

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ДЖУМАҚУЛОВ ШУХРАТ БАХОДИРОВИЧ

**АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Джумакулов Шухрат Баходирович

Аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини
ривожлантириш..... 3

Джумакулов Шухрат Баходирович

Развитие гражданской компетентности студентов на основе
аксиологического подхода 24

Djumakulov Shukhrat Bakhodirovich

Development of students' civic competence based on an axiological
approach.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ДЖУМАҚУЛОВ ШУХРАТ БАХОДИРОВИЧ

**АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped364 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz/uz/ilmiy-kengash) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Ходжаев Бегзод Худойбердиевич педагогика фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Эркабоева Нигора Шерматовна педагогика фанлари доктори, доцент |
| | Давлатов Ойбек Ғаниевич педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент |
| Етакчи ташкилот: | Жиззах давлат педагогика университети |

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz.)

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz.)

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

У.Н.Ходжамкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д. (DSc)

Ф.Т.Ражабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ш.И.Ботирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фуқаролик таълимини амалга оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўсиб келаётган авлодда ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик фазилатларини шакллантириш, демократик тамойилларга аксиологик муносабатни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан олға сурилган тинчлик учун ва глобал фуқаролик таълими Ер сайёрасини қадрли ва ноёб деб баҳолаш, ўсиб келаётган авлод учун келажакни ҳимоя қилиш, адолатсизлик ва тенгсизликка қарши курашиш зарурлигини тушуниш ҳамда буни фаол амалга ошириш истаги ва қобилиятига эга бўлиш каби масалаларни кўзда тутади. Ана шу сабабли талабаларда фуқаролик билан боғлиқ жамоавий ижодий фаолиятга ижобий муносабатни шакллантириш, турли-туман маданиятлар интеграциялашуви шароитида рефлексив позицияни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Дунёда глобал таълим парадигмасига устуворлик бериш асосида талабаларда шахсий-ижтимоий компетентликни ривожлантириш, жамиятни ахборотлаштириш ва глобаллашув шароитида миллий идентикликни шакллантириш, фаол фуқаролик ва умуммаданий компетенцияларни таркиб топтиришнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, шахсга йўналтирилган ва медиа таълим имкониятларини интеграциялаш орқали талабаларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини қарор топтиришнинг педагогик асосларини аниқлаштириш, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқиш, рефлексив ёндашув асосида ўз-ўзига ва инсонларга нисбатан аксиологик онгни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш янада долзарблик касб этади. Шу билан бирга, фуқаролик қадриятларининг интернал ва экстернал интеоризациясини таъминлаш асосида талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, аксиологик ёндашув асосида фуқаролик таълим-тарбиясини амалга оширишнинг комплекс педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда ижтимоий фаоллик ва ташаббускорликни ривожлантириш, жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик,

фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш”¹ устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу эса, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаштириш, аксиологик ёндашувнинг талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларини очиб бериш, фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг модели ва педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада талабаларда ватанпарварлик ва фуқаролик маданиятини шакллантириш, фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, аксиологик онг ва дунёқарашни таркиб топтириш, ғоявий ва мафкуравий иммунитетни такомиллаштиришнинг фалсафий, психологик, педагогик жиҳатлари бўйича А.Акрамов, О.Абдуғаниев, Ш.Баротов, А.Бегматов, А.Маврулов, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Қ.Назаров, С.Нишонова, С.Норбоева, Д.Рўзиева, Б.Ходжаев, М.Хўжаев, М.Шарифхўжаев, Б.Шермухаммадов, Ж.Юлдашев, М.Қаххарова, М.Қирғизбоев, М.Қуроновлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/320/0482-сон.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан А.Гаязов, В.Гладик, В.Жернов, В.Журова, Н.Ипполитова, Т.Лугинина, З.Мазыр, Е.Митина, Л.Оринина, Ю.Подлесная, О.Полухин, Л.Рудченко, Ш.Хайрулин, О.Ярыгин кабилар талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг сиёсий, фалсафий, психологик ва педагогик масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижлик олимлардан Э.Бэнкс, В.Берг, Г.Биеста, Э.Боулдинг, Б.Рearдон, Н.Матюс, В.Линк, Д.Браун, Б.Уорд, М.Боун, К.Матчлар фуқаролик таълими, кросс маданият, талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантириш, тинчлик учун таълим масалаларини ўрганишган.

Бироқ жисмоний маданият йўналиши талабаларида фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари, мазмуни, мазкур жараёни амалга ошириш модели ва амалий-технологик тизими ишлаб чиқилмаган. Бу эса, аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №V/III-55 “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг фалсафий, ҳуқуқий ва социологик муаммоларини тадқиқ этиш” (2020-2024 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаштириш;

аксиологик ёндашувнинг талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларини очиб бериш;

аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жисмоний маданият йўналиши талабаларининг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Гулистон давлат университети, Қўқон давлат педагогика институтларининг 164 нафар респондент-талабаси иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, тест, сўровнома, моделлаштириш,

педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари глобал ва тинчлик учун таълим ғоясига устуворлик бериш асосида жараён тузилмасининг таркибий асослари (когнитив, қадриятли, ҳуқ-атвор, рефлексив), индикаторлари (лингвистик, экзистенциал, ижтимоий-маданий), функциялари (мослашув, рағбатлантириш, прогностик) таксономияси когнитив, аффектив ва психомотор кўрсаткичлари валидлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштирилган;

аксиологик ёндашувнинг талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир педагогик имкониятлари таянч маънавий фазилатларнинг касбий тайёргарликнинг оптант (танлов) ва адепт (лаёқат) даражалари билан адаптант (мослашув) мобиллиги продуктивлигини бевосита таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш моделининг ташкилий компоненти ташхис, амалий, рефлексив-баҳоловчи босқичларни муаммоли маъруза, виртуал клуб, кейс, интерфаол машқлар ва ассисментлар орқали позицион тўсиқларни бартараф этишнинг объектив ва субъектив омиллари таъсирини педагогик коррекциялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг таълим мазмунини фуқарошуносликка доир материаллар билан бойитиш, талабаларни реал вазиятлар бўйича гуруҳий мунозараларга жалб этиш, самарали ҳамкорликдаги фаолиятни кооператив тарзда амалга ошириш каби педагогик шарт-шароитлари кросс-маданий таълим имкониятларини маданиятлараро сензитивлигини кенгайтириб бориш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг спорт ҳуқуқига доир билимларини ривожлантириш бўйича “Виртуал клуб” Низоми ишлаб чиқилган;

“Фаол фуқаро” тўғарагининг машғулотлар дастури ва методик таъминоти ишлаб чиқилган;

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожланганлигини баҳолашга доир ассисмент топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилган;

“Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спортга оид қонунчилиги тизими” номли услубий қўлланма нашр этирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш” тушунчасининг мазмун-моҳияти, мазкур жараённинг тузилмаси, компонентлари, асосий жиҳатлари, функцияларининг аниқлаштирилганлиги, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларининг очиб берилганлиги, аксиологик ёндашувнинг талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш модели, мазкур моделни амалиётга жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир кейс, интерактив, ассисмент топшириқлари, ўқув лойиҳалари, виртуал клуб Низоми ва “Фаол фуқаролик” тўғарак машғулотлари дастури ва методик таъминотининг, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга бўйича илмий натижалар асосида:

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини глобал ва тинчлик учун таълим ғоясига устуворлик бериш асосида жараён тузилмасининг таркибий асослари, индикаторлари, функциялари таксономияси когнитив, аффектив ва психомотор кўрсаткичлари валидлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5230200 – Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти), 5230400 – Маркетинг (спорт) бакалавриат таълим йўналишлари учун “Спорт ҳуқуқи” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи, 500-360 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-эдукологик имкониятларини кенгайтиришга эришилган;

аксиологик ёндашувнинг талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларини таянч маънавий фазилатларнинг касбий тайёргарликнинг оптант ва адепт даражалари билан адаптант мобиллиги продуктивлигини бевосита таъминлаш орқали аниқлаштириш, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш моделининг ташкилий компонентини ташхис, амалий, рефлексив-баҳоловчи босқичларни муаммоли маъруза, виртуал клуб, кейс, интерфаол машқлар ва ассисментлар орқали позицион тўсиқларни бартараф этишнинг объектив ва субъектив омиллари таъсирини педагогик коррекциялаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5230200 – Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти), 5230400 – Маркетинг

(спорт) бакалавриат таълим йўналишлари учун “Спорт ҳуқуқи” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи, 500-360 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг аксиопедагогик жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг таълим мазмунини фуқарошуносликка доир материаллар билан бойитиш, талабаларни реал вазиятлар бўйича гуруҳий мунозараларга жалб этиш, самарали ҳамкорликдаги фаолиятни кооператив тарзда амалга ошириш каби педагогик шарт-шароитлари кросс-маданий таълим имкониятларини маданиятлараро сензитивлигини кенгайтириб бориш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5230200 – Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти), 5230400 – Маркетинг (спорт) бакалавриат таълим йўналишлари учун “Спорт ҳуқуқи” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи, 500-360 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак мутахассисларнинг фуқароликка доир билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 илмий иш, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, 110 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги ҳамда талабаларда фуқаролик

компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

Сўнги йилларда таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши, таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти кабилар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш” муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.

Тадқиқот муаммосига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни муайян даражада ҳал этиш ҳамда масаланинг долзарблигини асослаш учун мавзу билан боғлиқ “фуқаро”, “фуқаролик”, “компетенция”, “фуқаролик компетенцияси” тушунчаларининг мазмун-моҳияти диссертацияда ёритиб берилди.

Фуқароликни асосий компетенция сифатида ажратиб кўрсатиш 1990 йилларнинг иккинчи ярмида бошланган. И.А.Зимняя томонидан “фуқаролик туйғуси билан боғлиқ компетенциялар” атамаси фанга киритилган. Замонавий педагогика фанида “фуқаролик компетенциялари” тушунчаси ва ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган яна бир қатор атамалар учрайди: “фуқаро компетенцияси”, “фуқаролик ҳисси компетенцияси”, “фуқаролик компетенцияси”.

ОТМ талабаларининг фуқаролик компетентлигини шакллантириш муаммоси В.Г.Журова, А.Акрамов, юқори синф ўқувчиларининг фуқаролик компетентлигини шакллантиришнинг айрим масалалари Е.В.Митина, В.А.Гладик, М.Усмонбоевалар, фаол фуқароликни ривожлантириш О.Т.Абдуғаниев томонидан ўрганилган. Фуқаролик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришнинг сиёсий жиҳати Ю.Е.Подлесная томонидан таҳлил этилган. Фуқаролик компетенциясини шакллантириш муаммосига И.А.Зимняя, З.С.Мазир, В.Ш.Масленникова, Л.В.Оринина тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлар таҳлили асосида фуқаро компетентлиги ва фуқаролик компетенцияси тушунчаларига қуйидаги тарзда аниқлик киритилди: фуқаро компетентлиги – бу субъектнинг фуқаролик компетенциялари йиғиндисини эгаллашдан иборат бўлиб, у ўзини жамиятнинг (давлатнинг) тўлақонли аъзоси сифатида англаши, унинг манфаатларига содиқ бўлиши, ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар мажмуини эгаллаши, фуқаро сифатида ҳаракат қилишида намоён бўлади; фуқаролик компетенцияси – бу ўз билим, малака, тажрибаси, шахсий сифатларини фаолиятда амалга оширишга интилиш, бунинг учун тайёрлик ва қобилиятга эга бўлишдир.

Е.В.Бондаревская, И.М.Дуранов, И.А.Зимняя, А.М.Князев, О.Н.Малова, О.Т.Абдуғаниев, М.О.Хўжаев ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларини назарий таҳлил қилиш натижасида фуқаролик компетенциясининг қуйидаги тузилмаси аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Фуқаролик компетенцияси тузилмаси ва тавсифи

Фуқаролик компетенцияси компонентларининг ўзаро боғлиқлиги улардан бирининг ривожланишини асосий вазифа сифатида ажратиб кўрсатиш ва бошқалари билан ўзаро муносабатда бўлиш асосида талаба шахсида фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга яхлит таъсир кўрсатишни таъминлашга имкон беради. Мазкур тадқиқот мавзусига мувофиқ, бизнинг фикримизча, аксиологик (қадриятга йўналтирилган) компонент етакчи ҳисобланади, чунки бу шахснинг фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг якуний босқичи, яъни бошқа таркибий қисмлар шаклланганлигидан далолатдир.

Психологик-педагогик, социологик ва фалсафий адабиётлар таҳлили бизга қуйидагича хулосалар чиқариш имконини берди:

1) талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш муаммоси долзарб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, фуқаро сифатида

талабалар шахсини ривожлантиришга қаратилган “билимга асосланган” таълимдан “компетенциявий” ёндашувга асосланган парадигма натижасидир;

2) талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш фуқаролик жамияти ва ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий давлат қуришнинг асосидир;

3) мутахассислар тайёрлашда компетенцияга асосланган ёндашувни амалга ошириш фуқаролик компетенциясини ривожлантириш муаммосини ҳал этиш нуқтаи назаридан истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади;

4) фуқаролик компетенцияси – фуқароликка доир, билим, кўникма, малака ва амалий фаолият тажрибаси, фуқаролик қадриятлари тизимининг мавжудлигида намоён бўладиган ва ижтимоий аҳамиятга эга фуқаролик бурчи ва масъулиятини амалга оширишга тайёрликни акс эттирувчи шахснинг уйғун сифатлари йиғиндисидир;

5) талабаларда фуқаролик компетенцияси ривожлантириш тузилмаси тўрт компонентни ўзида ифода этади: когнитив (фуқароликка доир билимлар ва тушунчалар тизими), мотивацион-қадриятли (фаол фуқаролик мобиллиги, англанилган мотив, мақсад, эҳтиёж, қадриятлар тизими), фаолиятли (ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш, мажбуриятларини ҳис этиш, ахлоқий-қадриятли фаолият тажрибасига эга бўлиш) ва рефлексив (ўзининг фуқаро сифатидаги шахсини тўғри баҳолаш ва таҳлил қилиш).

Диссертациянинг **“Аксиологик ёндашув асосида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик асослари”** деб номланган иккинчи бобида аксиологик ёндашувнинг талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга доир педагогик имкониятлари, модели ва педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Фуқаролик таълими мазмунида аксиологик компонентни амалга ошириш зарурати, аввало, ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишга қадриятли ёндашув билан белгиланади. Далиллар, ҳодисалар, жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш илмий-когнитив (мантикий) ва қадриятга йўналтирилган ўзлаштириш усулларини назарда тутати.

Фуқаролик таълими мазмунининг қадриятли компоненти ўқув материаллари фанлараро алоқадорликнинг семантик доминантларига мувофиқ амалга оширилса, албатта, самарали бўлади. Семантик доминантлар фуқаролик таълими мазмунининг асосий ғояларини ифодалайди, ўқув материалининг мазмунини аниқлайди, ўқув предметининг заруриятини очиб беришга хизмат қилади. Асосий семантик доминантлар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: “Жамиятдаги ўзгаришларнинг сабаблари ва янгича ёндашувлар”; “Ҳаётдаги ўзгаришлар учун ташаббус кўрсатиш йўллари”; “Замон ва инсонлар”; “Жамият ва мен” ва ҳ.к.

Фуқаролик таълими мазмунининг қадриятли компонентини тузиш ва амалга оширишда талабалар ўқишини ташкил этишнинг учта босқичи ҳисобга олиниши лозим: билимларни тақдим этиш ва кўникмаларни эгаллаш; билим ва кўникмаларни намойиш этиш; билим ва кўникмалардан янги вазиятда фойдаланишни акс эттириш ва баҳолаш.

Босқичлар ўртасида аниқ чегаралар йўқ, улар шартли, уларнинг ҳар бирида билимларни бойитиш, кўникмаларни мустаҳкамлаш ва олинган маълумотларни қайта ўзлаштириш мавжуд. Аммо айтиш пайтда, ҳар бир босқич ўзига хос мақсад ва жараён билан боғлиқ хусусиятларга эга. Билимларни тақдим этиш ва кўникмаларни эгаллаш босқичининг мақсади ўқув материалининг тематик мазмунини тақдим этиш ва уни ўзлаштириш учун талабаларни самарали фаолиятга жалб қилишдир. Билим ва кўникмаларни ифодалаш босқичи уларни семантик доминантларга (фундаментал ғояларга) мувофиқ тушуниш ва расмий билимларни шахсан мазмунли бўлганларга “кўчириб ўтказиш”ни назарда тутди. Учинчи босқичда эгалланган билим ва амалий кўникмаларни янги таълим шароитида, бошқа фанларни ўрганиш жараёнида ҳам қўллаш керак.


Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга аксиологик ёндашувнинг асосий дидактик тамойилларидан бири сифатида “қадриятлар интериоризация”нинг таркибий қисми ҳисобланган субъектни “жалб этиш”, “замон билан ҳамнафас яшаш” жараёнини ташкил этишга доир таълим олувчининг шахсий-аҳамиятли фаолияти акс этади. Шунинг учун ўқув материали, унинг мазмуни қанчалик мустаҳкам ишлаб чиқилган бўлмасин, у ўз-ўзидан самарали ўзлаштирилишини таъминлай олмайди. Бундай самарадорликни таълим олувчиларнинг ўқув ҳаракатларини ташкил этишнинг кенг қамровли шакл ва турларини ташкил этишга доир фаолиятли компонентга аксиологик ёндашувни татбиқ этиш асосида таъминлаш мумкин.

Фуқаролик компетенциясининг мотивацион-қадриятли, ҳулқ-атвор ва рефлексив компонентлари таҳлили асосида тадқиқот доирасида талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнининг педагогик модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш моделини амалга ошириш яхлитлик, тарбиянинг инсонпарвар йўналганлиги, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, тарбиянинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги каби тамойилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик модели ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган тўртта таркибий асосдан иборат:

1) мақсадли – мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш, илмий ёндашувлар, тамойиллар, жараённи самарали амалга оширишга хизмат қиладиган педагогик шарт-шароитларни белгилаб олиш. Фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнида мақсадни белгилаш ижтимоий-педагогик тизим сифатида ўзида муҳим омилларнинг яхлит тасаввурини акс эттиради. Вазифаларни аниқлаштириш мазкур жараённи амалга ошириш босқичлари, асосий йўналишлари, шакл, метод ва воситаларини танлашга хизмат қилади. Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар режалаштирилган фаолиятни фуқаролик тарбияси мазмуни билан бойитади. Ишлаб чиқилган педагогик шарт-шароитларнинг самарадорлиги тажриба-синов жараёнида апробациядан ўтказилади;



2-расм. Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик модели

2) мазмунли – талабаларнинг фуқаролик компетенциясини босқичма-босқич ривожлантириш жараёнида амалга ошириладиган компонентларнинг асосий моҳиятини ўзида ифода этади. Моделнинг мазмунли блоки фуқаролик

тарбиясининг асосий йўналишларини ўз ичига қамраб олади, фуқаролик билан боғлиқ қарашлар тизимини ўзида акс эттиради; танқидий фикрлаш, ҳаётий мақсад, фуқароликка доир қадриятларини онгли тарзда танлаш учун амалий фаолият тажрибасини шакллантиради. Моделнинг мазмунли блокинни рўёбга чиқариш аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда амалга ошади;

3) ташкилий-фаолиятли – фуқаролик компетенциясини шакллантириш жараёнининг босқичлари, профессор-ўқитувчилар, тьюторлар ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти шакл, метод ва воситаларини ўз ичига қамраб олади;

4) баҳоловчи-нативавий – талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожланганлик даражасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари ҳамда диагностик воситаларни ўзида акс эттиради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда бир қатор педагогик шарт-шароитларни амалга ошириш орқали самарадорликка эришиш мумкин:

1) олий таълим мазмунини фуқарошуносликка доир ўқув материаллари билан бойитиш. Фуқаролик компетенцияси интегратив тавсифга эга бўлганлиги сабабли у барча ўқув фанлари доирасида ривожланади. Шубҳасиз, бу ўринда ижтимоий-гуманитар фанлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, фалсафа, маданиятшунослик, умумий психология, умумий педагогика каби фанларни ўзлаштириш жараёнида талабалар миллий ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, мафкуравий иммунитет, миллий маданият, мулоқот, шахслараро муносабатлар маданияти, фуқаролик масъулиятига доир илмий билимлар билан қуролланишади. Шунингдек, фанлараро алоқадорлик орқали талабалар шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўзлаштиришади, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг заруриятини англайди, манбалар билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, ўтмиш ва бугунги кунни қиёслаш кўникма ва малакаларига эга бўлади, бўлғуси касбнинг ижтимоий-маданий аҳамиятини англаб етади. Таълимнинг кенг қамровлилиги нафақат касбий тайёргарлик, балки талабаларнинг маънавий дунёқарашини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, талабаларда фуқароликка доир сифатларни ривожлантириш универсал кўникма ва қобилиятлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Талабаларнинг изланишли-тадқиқотчиликка доир метод ва усулларни ўзлаштириши, ахборотларни излаш, уларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашга доир инфорацион-аналитик малакаларга эга бўлиши, низоларнинг олдини олиш, самарали мулоқотга кириша олиш, оқилна қарорлар қабул қилиш қабилар уларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади.

2) талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг иккинчи муҳим шarti уларнинг танқидий тафаккурини таркиб топтирадиган ва амалий фаолиятга жалб этишга хизмат қиладиган фаол ва интерфаол методлардан фойдаланишга асосланган анъанавий ва инновацион технологияларнинг мақбул

интеграциясини таъминлашдир. Шунинг учун олий таълимга мос тарзда фуқаролик таълими ва тарбиясининг шакл, метод ҳамда воситаларининг тез ўзгарувчан шароитларга мувофиқ такомиллаштириш, ижтимоий талаб ва эҳтиёжларга жавоб берадиган янги маънавий маконни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Дебат, мунозара, ўйин, ижтимоий лойиҳа, тренинг, аниқ вазиятларни таҳлил этиш, жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш каби фаол ва интерфаол методлар талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга жадал таъсир кўрсатади. Энг асосийси мазкур методлардан аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда самарали фойдаланиш орқали талабалар фуқаролик қадриятларини ички англаш ва уни ташқи намоён этиш, шунингдек, фуқаролик фаолиятига доир шахсий-амалий тажрибага бўлиш учун зарур шарт-шароит яратади.

Изланишли-тадқиқотчилик, муаммоли, коммуникатив-диалогли ва ўйинли моделларни қўллаш командада ишлаш, креатив фикрлаш, тўғри қарорлар қабул қилиш, низоли вазиятларни ҳуқуқий асосга таянган ҳолда бартараф этиш малакаларини шакллантиришга хизмат қилади;

3) талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг учинчи муҳим шarti аудиториядан ташқари машғулотларни мақсадли ташкил этишдир. Айниқса, замонавий шароитда виртуал таълим талабларига мувофиқ, тўғарак ва клублар фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот доирасида ана шу мақсадни кўзлаб “Фаол фуқаро” тўғараги дастури ва талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган виртуал клуб ишлаб чиқилди.

“Фаол фуқаро” тўғараги узлуксиз касбий таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади талабаларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, “Фалсафа, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” ҳамда “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий асослари” фанлари бўйича билимларини мустаҳкамлаш, фуқаролик позициясини мақсадли ривожлантириш, фуқаролик фаолиятига доир амалий тажрибани таркиб топтиришдан иборатдир. Мазкур тўғарак дастури 78 соатга мўлжалланган бўлиб, 39 та мавзунини ўз ичига қамраб олган.

Талабалар “Виртуал клуби”нинг бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон Қарорининг 4-иловасига мувофиқ, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасининг 20-бандида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, спорт ҳуқуқига оид билимларини янада бойитиш, талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантиришдан иборатдир. Шунингдек, виртуал клуб қуйидаги тактик мақсадларни ҳам амалга оширишга хизмат қилади: виртуал реалликдан фойдаланган ҳолда талабалар спорт ҳуқуқига оид, илмий, илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳаларини ишлаб чиқишади; талабаларнинг турли аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш, талабаларнинг жамоа бўлиб ишлаш ва мулоқотга киришиш кўникмалари ривожлантирилади; талабаларга виртуал реаллик соҳасидаги

турли-туман тадбирлар (конференция, семинар, танлов, маърузалар) ҳақида маълумот бериб борилади; жамоавий ахборотларни сақлаш ва узатиш, шунингдек, талабаларнинг спорт ҳуқуқига оид маълумотлар юзасидан фикр алмашишига ёрдам беради. Бунинг учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети сайти (jtsu)да талабалар рўйхатдан ўтишлари таъминланган;

4) талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг яна бир асосий шартини самарали ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишдир. Бунинг учун субъект-субъект муносабатларига асосланган “талаба – профессор-ўқитувчи – талаба” тизимига асосланган фаолиятни ташкил этиш талаб этилади. Бу ўринда албатта, ўқитувчининг ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилиши, толерантликка доир қадриятларни ва хилма-хилликни тан олиши, ўз фаолиятини демократик услубга асосланиб ташкил этиши, талабаларни педагогик қўллаб-қувватлаши, юксак коммуникатив маданиятини белгилаб берадиган фуқаролик позицияси муҳим ўрин тутди.

Ўқитувчи талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш масаласини ижобий ҳал қилиши учун улар билан ишлашнинг ўзига хос психотехник кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади. Бунинг учун очиклик; ижобий таъсирчанликка асосланган мулоқотни амалга ошириш қобилияти; талабаларнинг шахсий ва ўқув-касбий муаммоларни тушуна олиши; ёшлар билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича мунозараларни ташкил этиш малакасига эга бўлиш зарур. Профессор-ўқитувчи ва тьюторлар фуқаролик компетенциясига эга талабаларни тайёрлаш малакасига эга бўлсагина, мазкур муаммо ўзининг ижобий ечимини топади. Таълимнинг янгиланган парадигмаси профессор-ўқитувчи ва тьютордан инновацион салоҳиятга эга бўлишни тақозо этади. Чунки профессор-ўқитувчи ва тьютор шахси ижобий тарбияловчи омил эканлиги, шубҳасиздир. Шунинг учун талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширадиган мутахассислар энг аввало, ўзлари фаол фуқаролик позицияси, уларда Ватанга садоқат, масъулиятлилик, тадбиркорлик ҳамда инновацион фикрлаш каби таянч маънавий компетенцияларни шакллантириш учун зарур педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим.

Диссертациянинг **“Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

